

ШАХСНИ УШЛАБ ТУРИШ ВА ҚАМОҚҚА ОЛИШГА ОИД ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР

Инатиллоев Ўткирбек Шухратилло ўғли

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
магистратура босқичи тингловчиси

Аннотация: Мазкур мақолада жиноят-процессуал қонунчилигада шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шу жумладан шахсий эркинлик ва даҳлсизлик ҳуқуқини чекловчи чоралар сифатида ушлаб туриш процессуал мажбурлов ва қамоққа олиши эҳтиёт чораларига оид халқаро стандартлар ва уларнинг мазмун-моҳияти, мазкур чоралар амалга оширишига доир белгиланган талаблар ёритиб ўтилган.

Калим сўзлар: Шахсий эркинлик ва даҳлсизлик ҳуқуқи, халқаро стандартлар, процессуал мажбурлов чораси, ушлаб туриши, эҳтиёт чораси, қамоққа олиши.

INTERNATIONAL STANDARDS FOR DETENTION AND ARREST

Inatilloyev O'tkirbek Shuxratillo o'g'li

Student of the Master's Degree at the Academy of Law Enforcement
of the Republic of Uzbekistan

Annotation: In this article, the international standards of procedural coercion and detention as measures limiting the rights and freedoms of a person, including the right to personal freedom and immunity, as well as their content and essence, as well as the established requirements for the implementation of these measures, are highlighted

Key words: The right to personal liberty and security, international standards, measure of procedural coercion, arrest, preventive measure, detention.

Бирор-бир ҳуқуқ соҳаси ёки ҳуқуқий жараён ҳақидаги халқаро стандартлар тўғрисида сўз борганда, аввало бутун дунё ҳуқуқ тизимининг асоси ҳисобланган БМТнинг 1948 йил 10 декабрдаги “Инсон ҳуқуqlари умумжахон декларацияси”га мурожаат қилиш мақсадга мувофиқdir.

Декларациянинг 3-моддасида “ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий даҳлсизлик ҳуқуқи”га эга эканлиги, 9-моддасида эса “ҳеч ким асосиз қамалиши, ушланиши ёки қувфин қилиниши мумкин эмас”лиги белгилаб қўйилган¹.

Яна бир халқаро ҳуқукий ҳужжатлардан бири БМТнинг 1966 йил 16 декабрдаги “Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ти Халқаро пакт ҳисобланади.

Пактнинг 9-моддасида ҳар бир инсон эркинлик ва шахсий даҳлсизлик ҳуқуқига эгалиги, ҳеч ким ўзбошимчалик билан ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмаслиги, ҳеч ким қонунда белгиланганидан бошқача асос ва тартибда озодликдан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган².

Шунингдек, ҳибсга олинган ҳар бир кишига ҳибсга олиш чоғида унинг ҳибсга олиниши сабаблари ва унга қўйилган ҳар қандай айблов дарҳол маълум қилиниши, жиноий айблов бўйича ҳибсга олинган ёки ушлаб турилган ҳар бир шахс зудлик билан судья ёки қонун бўйича суд ҳокимиятини амалга ошириш ҳуқуқи бўлган бошқа мансабдор шахс ҳузурига келтирилиши ва оқилона муддатда суд муҳокамаси ўтказилиши ёки озод қилиб юборилиши ҳуқуқига эгалиги қайд этилган.

Пактга кўра, ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақлаб турилиши тифайли озодликдан маҳрум этилган ҳар бир шахс ўз ишининг судда кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга. Бундай ҳуқуқ шахсга суд ушлаб туриш қанчалик қонуний эканлиги борасида хулоса қилиши ва мазкур ушлаб туриш ноқонуний бўлса, озод қилиш ҳақида фармойиш бера олиши учун аҳамиятли ҳисобланади.

Мазкур Пактда ноқонуний равища ҳибсга олинган ёки қамоқда сақлаб турилган ҳар бир киши даъво кучига эга бўлган товоң талаб қилиш ҳуқуқига эгалиги белгилаб қўйилган.

¹ Инсон ҳуқуқлари умумжахон декларацияси. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Резолюция 217 А (III) билан 1948 йил 10 декабрда қабул ва эълон қилинган.
<https://constitution.uz/uz/pages/humanrights>.

² “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ти Халқаро пакт. Бош Ассамблеянинг 1966 йил 16 декабрдаги 2200 А (XXI)-сонли резолюцияси билан қабул қилинган <https://lex.uz/docs/2640479>

Шунингдек, ушбу Пактда белгилаб қўйилганидек, унда иштирок этувчи ҳар бир давлат ўз зиммасига ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилган ҳар қандай шахсни, агар бу бузилиш расмий сифатда ҳаракат қилган шахслар томонидан содир этилган бўлса ҳам, ҳуқуқий ҳимоянинг самарали воситаси билан таъминлаш мажбуриятини олади.

Юқорида келтириб ўтилган ва муҳокама қилинган қоидалар инсоннинг ажralmas ҳуқуқларига бағишлиланган асосий халқаро ҳуқуқий ҳужжатлардаги нормалар ҳисобланади. Ушлаб туриш ва қамоққа олиш чораларига оид халқаро нормалар ҳам мавжуд бўлиб, БМТ томонидан бу ҳақда алоҳида ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган.

Жумладан, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1988 йил 9 декабрда “Ҳар қандай шаклда ушлаб турилган ва қамоққа олинган шахсларни ҳимоя қилиш тамойиллари тўғрисида”ги Конвенция қабул қилинган бўлиб, ушлаб турилган ва қамоққа олинган ҳар бир шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг асосий қоидаларини белгилайди.

Мазкур Конвенциянинг биринчи тамойилига кўра, ушлаб турилган ёки қамоққа олинган ҳар қандай шахс инсонпарварлик муносабатида бўлиш ва қадр-қимматини ҳурмат қилиниши ҳуқуқига эга ҳисобланади.

Иккинчи тамойилга кўра, ҳибсга олиш, ушлаб туриш ва қамоққа олиш тегишли қонун нормалари билан қатъий белгилаб қўйилган қоидаларга асосан ваколатли органлар томонидангина қўлланилиши мумкинлиги белгиланган.

Ҳибсга олиш ва қамоққа олишнинг ҳар қандай шакли, ушлаб турилган ва қамоққа олинган шахсларнинг ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ барча чоралар суд органи томонидан кўриб чиқилиши лозим.

Мазкур Конвенцияда белгилаб қўйилган тамойиллар ҳар қандай давлатда истиқомат қилувчи тили, миллати, дини, ирқи, ижтимоий келиб чиқиши, танасининг ранги, сиёсий ва мафкуравий қарашлари, яшаш тарзидан қатъий назар барча фуқаролар учун бир хилда қўлланилиши лозимлиги белгилаб қўйилган.

Ушлаб турилган ва қамоққа олинган шахсларга нисбатан қийнок, шаън ва қадр-қимматни камситувчи ҳар қандай шаклдаги муомала ва жазо турларининг қўлланилишига йўл қўйилмайди. Ҳеч қандай сабаб ва шароит бундай чораларни қўллашга асос бўла олмайди.

Давлатлар мазкур Конвенциядаги принципларда келтирилган ҳуқуқ ва мажбуриятларга зид бўлган ҳар қандай хатти-ҳаракатни қонун билан тақиқлаши, бундай ҳаракатлар учун тегишли жазо чораларини қучайтириши лозимлиги алоҳида қайд этилган бўлиб, миллий қонунчиликда мазкур нормаларни акс эттириш тавсия этилган.

Мазкур Конвенциянинг саккизинчи тамойилига кўра, ҳибсга олинган шахсларга нисбатан судланмаган шахслар мақомида муносабатда бўлинади ҳамда улар имкон қадар озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган шахслардан алоҳида жойларда сақланиши лозим.

Конвенция талабларига кўра, ҳибсга олинган ҳар қандай шахсга унинг ҳибсга олиниш сабаблари ва нимада гумон қилинаётганлиги дарҳол маълум қилиниши, ҳар қандай шахсни ушлаб туриш масаласи зудлик билан суд ёки бошқа ваколатли орган томонидан кўриб чиқилмасдан туриб ушлаб турилиши мумкин эмаслиги, ушлаб турилган шахслар ўзини-ўзи ҳимоя қилиши ёки ҳимоячига эга бўлиш ҳуқуки мавжудлиги барча шахсларнинг ажралмас ҳуқуқлари ҳисобланади.

Ушлаб турилган шахсга ёки унинг адвокатига ушлаб туриш тўғрисида қарор тақдим этилиб, унинг сабаблари дарҳол маълум қилиниши, суд ёки бошқа ваколатли орган ушлаб туришни узайтириш масаласини кўриб чиқиши лозим.

Ўн учинчи тамойилга кўра, ушлаб туриш, ҳибсга олиш ва қамоққа олиш вақтида ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимири томонидан гумон қилинувчига унинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилиш лозим.

Ушлаб турилган ёки қамоққа олинган шахслар иш юритилаётган тилни билмаса, улар ўзлари тушунадиган тилда барча маълумотлар тақдим этилиши ва бепул таржимон билан таъминланиши керак.

Конвенцияда белгилаб қўйилган тамойилларнинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, агар ушлаб турилган ёки қамоққа олинган шахс хорижий давлат фуқароси бўлса, у ўз давлатининг консуллик ва дипломатик ташкилотларига, агар шахс қочоқ ёки халқаро ташкилот ҳимоясидаги шахс бўлса, масъул халқаро ташкилотга хабар берилиши лозим.

Шунингдек, агар ушлаб турилган ёки қамоққа олинган шахс вояга етмаган ёки ўз ҳуқуқларини англай олмайдиган (муомалага лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз) шахс бўлса, унинг ота-онаси ёки васий (хомий) бундай шахс ушланганлиги ва қамоққа олинганлиги тўғрисида дарҳол хабардор қилиниши керак.

Эътиборли жиҳатлардан яна бири шундаки, адвокат билан учрашув вақтидаги сухбат ушлаб турилган ва қамоққа олинган шахсларнинг гумон қилинаётган жиноятни содир этганлигига далил сифатида ишлатилиши мумкин эмас.

Ушлаб турилган ёки қамоққа олинган шахсларга уларнинг оила аъзолари билан кўришиш ва ёзишмалар олиб бориш ҳуқуқи қонунчиликдан белгиланган тартиб ва асосларда тақдим этилиши лозим.

Йигирма саккизинчи тамойилга кўра, ушлаб турилган ва қамоққа олинган шахслар давлат томонидан ажратиладиган илмий, бадиий ва ахборот материаллари билан танишиши ва улардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Ўттиз биринчи тамойилга кўра, ушлаб турилган ёки қамоққа олинган шахсларнинг вояга етмаган оила аъзоларига давлат томонидан ғамхўрлик қилиниши лозим. Айниқса, вояга етмаганларнинг бошқа боқувчиси бўлмаса, ҳукумат уларни моддий, ижтимоий, тиббий ва бошқа таъминотларини ўз зиммасига олиши керак.

Ушлаб туриш ва қамоққа олишга оид халқаро стандартлар БМТ томонидан қабул қилинган алоҳида ҳуқуқий хужжатларда ҳам ўз ифодасини топган.

Жумладан, БМТ Бош Ассамблеясининг 18.12.1990 йилдаги “Барча меҳнаткаш мигрантлар ва уларнинг оила аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Конвенциянинг 16-моддасида барча меҳнаткаш мигрантлар шахсий эркинлик ва дахлсизлик ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган.

Мигрантлар ўзи якка ҳолда ёки жамоавий тарзда ҳеч бир асоссиз ушлаб турилиши ёки қамоққа олиниши мумкин эмас. Агар қонунда назарда тутилган асослар мавжуд бўлса, меҳнаткаш мигрантларни ушлаш чоғида уларнинг нимада гумон қилинаётганлиги ўzlари тушунадиган тилда баён этилади³.

Ушлаб турилган ёки қамоққа олинган меҳнаткаш мигрантлар ўзларига нисбатан қўлланилган ушлаб туриш ёки қамоққа олиш чоралариинг қонунийлиги хусусида судга шикоят қилиши ва асоссиз чоралар қўлланилган тақдирда суд қарорига кўра озод қилиниши мумкин. Бундай суд жараёнларида улар бевосита иштирок этиб, таржимон хизматидан бепул фойдаланишлари мумкин. Агар улар ноқонуний тарзда ушлаб турилган ёки қамоққа олинган бўлса, компенсация талаб қилиш ҳуқуқига эгалар.

Яна бир халқаро ҳуқуқий хужжатлардан бири БМТ Бош Ассамблеясининг 20.12.2006 йилдаги “Ҳар қандай шахсларни зўрлик билан йўқ қилинишидан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Конвенция ҳисобланиб, унинг 17-моддасида ҳеч ким сирли равишда қамоқда сакланиши мумкин эмаслиги белгиланган⁴.

Шунингдек, “Ўzlари истиқомат қилиб турган давлат фуқароси бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Декларациянинг 5-моддаси биринчи қисмига кўра, хорижликлар ўzlари яшаб келаётган давлатнинг халқаро мажбуриятлари билан бир қаторда миллий қонунчиликка мувофиқ яшаш ва

³ БМТ Бош Ассамблеясининг 18.12.1990 йилдаги “Барча меҳнаткаш мигрантлар ва уларнинг оила аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Конвенцияси, 45/158-сонли резолюция билан қабул қилинган.
https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/migrant3.shtml

⁴ БМТ Бош Ассамблеясининг 20.12.2006 йилдаги “Ҳар қандай шахсларни зўрлик билан йўқ қилинишидан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Конвенция, 61/177-сонли резолюция билан қабул қилинган.
https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/disappearance.shtml

шахсий даҳлсизлик ҳуқуқига эга бўлиб, ҳеч бир хорижий давлат фуқароси ўзбошимчалик билан ушлаб турилиши ёки қамоққа олиниши, қонунда назарда тутилган тартиб ва қоидаларга зид равишда озодликдан маҳрум қилиниши мумкин эмас⁵.

Ушлаб туриш ва қамоққа олишга оид халқаро стандартлар халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар билан бир қаторда, минтақавий ҳужжатларда ҳам ўз ифодасини топган.

Жумладан, “Африкада одил судлов ва ҳуқуқий ёрдам бўйича асосий тамойиллар ва раҳбарий кўрсатмалар”нинг “М“ тамойилида ҳомиладор аёллар ва бола парваришида бўлган аёллар ушлаб турилиши ва қамоққа олиниши мумкин эмаслиги. Бундай ҳолатларда ҳам гаров қўлланилиши кераклиги кўрсатилган⁶.

Бундан ташқари, “Инсон ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида”ги Америка декларациясининг 1-бандида ҳар бир шахс яшаш, эркинлик ва шахсий даҳлсизлик ҳуқуқига эга эканлиги, 25-бандида ҳеч ким қонунда назарда тутилган асосларсиз озодликдан маҳрум этилмаслиги, фуқаролик мажбуриятларини бажармаганлик важи билан ҳам эркинлиги чекланмаслиги, ҳибсга олинган ҳар қандай шахс суд ҳокимиятига олиб келиниши ва унинг ҳибсга олиниши қонунийлиги суд томонидан кўриб чиқилиши лозимлиги белгилаб қўйилган⁷.

“Инсон ҳуқуқлари бўйича Америка конвенцияси”нинг 7-моддаси ҳам шундай мазмунда баён этилган.

Шунингдек, “Инсон ҳуқуқлари бўйича Араб давлатлари хартияси”нинг 14-моддасида ҳар бир киши шахсий эркинлик ва даҳлсизлик ҳуқуқига эгалиги, ҳеч ким ноқонуний тарзда ушлаб турилиши ёки қамоққа олиниши мумкин

⁵ БМТ Бош Ассамблеясининг 13.12.1985 йилдаги “Ўзлари истиқомат қилиб турган давлат фуқароси бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги 40/144-сонли резолюсиси билан қабул қилинган Декларация. https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/not_nationals_rights.shtml

⁶ Африка Бирлиги ташкилотининг 2003 йилдаги 11-сессиясида қабул қилинган “Африкада одил судлов ва ҳуқуқий ёрдам бўйича асосий тамойиллар ва раҳбарий кўрсатмалар”. <https://archives.au.int/bitstream/handle/123456789/2065/Right>

⁷ Америка давлатларининг 9-конференциясида 02.05.1948 йилда қабул қилинган. https://www.oas.org/dil/access_to_information_human_right_American_Declaration_of_the_Rights_and_Duties_of_Man.

эмаслиги, ҳибсга олинган ҳар қандай шахсга бунинг сабаблари у тушунидагина тилда баён этилиши ва оила аъзолари билан мулоқотга киришиши учун шароит яратилиши, ушланган шахслар тиббий кўрикдан ўтказилиши, ушланган ёки қамоққа олинган ҳар қандай шахс зудлик билан суд ҳокимиятига келтирилиши ва суд томонидан унинг ушланиши қонунийлиги текширилиши лозимлиги, терговга қадар қамоққа олишга йўл қўйилмаслиги, ўзбошимчалик билан ёки ноқонуй тарзда ҳибсга олинган ҳар қандай шахс компенсация талаб қилиш ҳуқуқига эгалиги белгилаб қўйилган⁸.

Шу каби, “Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўғрисидаги Европа конвенцияси”нинг 5-моддасида ҳам ҳар бир шахс эркинлик ва шахсий даҳлсизлик ҳуқуқига эга эканлиги эъироф этилиб, юқоридаги каби қоидалар ўз аксини топган⁹.

Юқорида келтирилган халқаро стандартларни таҳлил қилган ҳолда миллий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича қўйидаги таклифлар берилиши мақсадга мувофиқ.

Биринчидан, “Ҳар қандай шаклда ушлаб турилган ва қамоққа олинган шахсларни ҳимоя қилиш тамойиллари тўғрисида”ги Конвенция талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 217-моддасига учинчи қисм сифатида агар ушлаб турилган ёки қамоққа олинган шахс қочоқ ёки халқаро ташкилот ҳимоясидаги шахс бўлса, масъул халқаро ташкилотга хабар берилиши лозимлиги ҳақидаги нормани киритиш лозим.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги 24-сонли «Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қарорининг 9-бандига адвокат билан учрашув вақтидаги суҳбат ушлаб турилган ва қамоққа олинган шахсларнинг гумон қилинаётган жиноятни содир этганлигига далил сифатида ишлатилиши мумкин эмаслиги ҳақидаги нормани қўшиш лозим.

⁸ Араб давлатлари Лигаси томонидан 2004 йилда қабул қилинган. <https://digitallibrary.un.org/record/551368>

⁹ 04.11.1950 йилда Римда қабул қилинган. <https://www.coe.int/tu/web/compass/the-european-convention-on-human-rights-and-its-protocols>

Учинчидан, ЖПКнинг 218-моддасига учинчи қисм сифатида ушлаб турилган ёки қамоққа олинган шахснинг вояга етмаган фарзандлари ёки қаровидаги шахсларнинг бошқа яқин қариндошлари бўлмаган тақдирда, суриштирув ва тергов органлари уларни давлат қарамоғига олиш чораларини кўриши лозимлиги ҳақидаги нормани киритиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. 10.12.1948 йилда қабул қилинган.
2. Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро Пакт. 16.12.1966 йилда қабул қилинган.
3. Ҳар қандай шаклда ушлаб турилган ва қамоққа олинган шахсларни ҳимоя қилиш тамойиллари тўғрисидаги Конвенция. 09.12.1988 йилда қабул қилинган.
4. Барча меҳнаткаш мигрантлар ва уларнинг оила аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Конвенция. 18.12.1990 йилда қабул қилинган.
5. Ҳар қандай шахсларни зўрлик билан йўқ қилинишидан ҳимоя қилиш тўғрисидаги Конвенция. 20.12.2006 йилда қабул қилинган.
6. Ўзлари истиқомат қилиб турган давлат фуқароси бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги Декларация. 13.12.1985 йилда қабул қилинган.
7. Африка Бирлиги ташкилотининг 2003 йилдаги 11-сессиясида қабул қилинган Африкада одил судлов ва ҳуқуқий ёрдам бўйича асосий тамойиллар ва раҳбарий кўрсатмалар.
8. Инсон ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисидаги Америка декларацияси. 02.05.1948 йилда қабул қилинган.
9. Инсон ҳуқуқлари бўйича Араб давлатлари хартияси. 2004 йилда қабул қилинган.
10. Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўғрисидаги Европа конвенцияси. 04.11.1950 йилда қабул қилинган.